**Даврий босма нашрларга обуна бўлиш тўғрисида**

ШАРТНОМА № 15

Тошкент ш.

20 22 йил « 10 » 01

«Сиҳат-саломатлик» журнали таҳририяти (кейинги ўринларда «Таҳририят» деб юритилади) Низом асосида иш олиб борувчи ўз вакили - бош муҳаррир ўринбосари F.D. ESHQULOV орқали бир томондан ва РЦО ва РЦАТМ НВФ (кейинги ўринларда «Обуначи» деб юритилади) Низом асосида иш олиб борувчи ўз вакили Р.Б. Мухаммадиев орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. «Таҳририят» 2022 йилга обуна қилиш ҳақидаги шартномани расмийлаштириш ва даврий босма нашр – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Сиҳат-саломатлик» ойлик, илмий-оммабоп безакли журналини «Обуначи»нинг буюртма ҳужжатига асосан ҳар ойнинг биринчи ярмида чоп этиш, «Обуначи» эса мазкур Шартнома асосида обуна ҳақини вақтида тўлаш ва тайёр журнални таҳририятдан ўз вақтида олиб кетиш мажбуриятини зиммасига олади.

2. «Сиҳат-саломатлик» журналининг нархи (ҚҚСсиз):

| Индекс | Нашрнинг номи | Бир йиллик чиқиш сони | Нархи | Бир йиллик обуна нархи | Обуна сони | Умумий сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 865 | «Сиҳат-саломатлик» журнали | 12 | 19000 | 228000 | 1 | 228 000= |
| 866 | «Сиҳат-саломатлик» журнали | 12 | 20000 | 240000 | — | — |

3. Шартнома бўйича умумий сумма: 228000= сумни ташкил этади (ҚҚСсиз).

4. «Обуначи» тўлов ҳақнинг 100 фоиз ҳажмидаги пул маблағларини «Таҳририят»нинг банкдаги ҳисоб-китоб варағига олдиндан ўтказиш йўли билан, мазкур шартноманинг 11 бандига мувофиқ шартнома юридик кучга кирган кундан кейин 10 (ўн) банк куни мобайнида амалга оширади.

5. «Таҳририят» журнални «Обуначи»нинг Буюртма ҳужжатида кўрсатган миқдорда ўз вақтида чоп этади, «Обуначи» вакили унинг номига расмийлаштирилган Ишончнома ҳужжати асосида журналларни ўз вақтида таҳририят манзилидан олиб кетади.

6. «Обуначи»нинг навбатдаги мажбуриятлари:

- мазкур Шартноманинг 3- ва 4- бандида кўзда тутилган ҳажмда ва муддатда тўловларни ўз вақтида амалга ошириб туриш;

- «Таҳририят»га ёки унинг ваколатли шахсига Шартноманинг бир нусхасини, шунингдек журнал чоп этилишидан олдин обуна миқдори кўрсатилган Буюртма ҳужжатини ўз вақтида етказиб бериш, журнал чоп этилгандан сўнг қабул қилувчи масъул шахсни юбориш ва унга Ишончнома ҳужжатини расмийлаштириш;

- агар юқорида кўрсатиб ўтилган мажбуриятлар маълум сабабга кўра бажарилмаса, дарҳол «Таҳририят»га расмий хат асосида хабар бериш.

7. Тўлов муддатлари бузилган ҳолатда «Таҳририят» ҳеч қандай билдиришномасиз «Обуначи» буюртма берган

нашрларни тўхтатиб туриши ва тўлов амалга оширилгандан сўнггина «Обуначи»га журнал бериш ҳуқуқига эга.

8. Агар шартномада белгиланган мажбуриятлар бузилса, томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавоб беради.

9. «Обуначи» Буюртма ҳужжатларини ўз вақтида етказмаса ва шу сабабли нашр миқдорига етмаса ёки кўпайиб кетса, бунинг учун «Таҳририят» жавобгар бўлмайди.

10. Шартномада кўзда тутилмаган, олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисаларда (форс-мажор) юзага келган ва ўзгартириб бўлмайдиган шароитлар: табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатларда; амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгарганда ёки бекор қилинганда; темир йўл транспорти ёки авиациянинг кечикиши ёки -жадвалининг ўзгариши; «Таҳририят»нинг айби бўлмаган ҳолатларда нашрнинг кечикиши, масалан, «Таҳририят» билан ҳамкорлик қилаётган босмахона ёки бошқа ташкилотларнинг тугатилиши оқибатида Томонлар мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаса, бунинг учун улар жавоб бермайди.

11. Ушбу Шартнома ни Томонлар имзоланган вақтдан бошлаб, зарурат бўлганда эса тегишли органларда, жумладан, Молия вазирлиги Ғазначилик органларида рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

12. Шартноманинг барча иловалари, унга киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма шаклда ушбу Шартномага қўшимча ҳужжат сифатида расмийлаштирилади ҳамда уларни Томонлар имзолаган вақтдан бошлаб, зарурат бўлганда эса ваколатли органларда, жумладан, Молия вазирлиги Ғазначилик органларида рўйхатга олингандан сўнг Шартноманинг ажралмас қисмига айланади.

13. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

Томонларнинг манзили ва реквизитлари:

**«Таҳририят»**

**«Сиҳат-саломатлик» журнали**

Юридик манзили: 100007. Тошкент ш.

М.Улуғбек тумани, Паркент кўчаси – 51-уй.

АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали

Ҳ/р: 20212000000125040001.

Банк коди: 00423.

ИНН: 201282696. ОКЭД 18300

Тел: (8-371) 268-37-08

91)640-21-72; 97)464-30-75

Бош муҳаррир ўринбосари:

F.D. ESHQ ULOV _F.Ишқулов_

М.Ў.

**«Обуначи»**

РПО ва РЦАТМ Нав. вил. ф.

Юридик манзили: Навоий шаҳар

Жонубий 5, А"уй

Банк номи: ИБ. Тошкент ш. филиал

Ҳ/р 400321860124017073201054004

Банк коди: 00014

ИНН: 203129954 ОКОНХ: 91513

Тел.: 220-63-26

Обуначи бюджет ташкилоти ёки бюджетдан маблағ олувчи бўлган ҳолларда қуйидагилар тўлдирилади:

Шахсий ҳисоб рақами: 23402000300100001010

Ғазначилик бўлинмасининг номи: Нав. вил. б. Ғазн. б.

Ғазначилик бўлинмасининг ИНН: 201122919

Раҳбар: Р. Б. Нусратиллаев

Юрист: ______

Шартноманинг ушбу нусхаси

«Таҳририят»га юборилди.